

СанҚМ №  
**МУНДАРИЖА**

1. Тадбик этиш соҳаси .....	3
2. Хавола этилган расмий ҳужжатлар .....	4
3. Озиқ - овқат маҳсулотлари бозорларига белгиланган талаблар .....	4
3.1. Умумий талаблар .....	4
3.2. Бозорларнинг ҳовли сахнига санитария талаблари .....	5
3.3. Сув билан таъминланшига, канализацияга, иситишга, вентиляцияга (ҳаво алмашишга) ва ёритилишга санитария талаблари .....	9
3.4. Хоналарнинг қурилиши ва саранжом - тартибли бўлишига санитария талаблари .....	10
3.5. Асбоб - ускуналарга ва жихозларга санитария талаблари .....	12
3.6. Озиқ - овқат маҳсулотларини сақлашга ва ҳарид этишга (сотишга) санитария талаблари .....	13
3.7. Маҳсулот хомашёлари ва озиқ - овқат маҳсулотларини жўнатишга (ташишга) санитария талаблари .....	20
3.8. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, профилактик ва гигиеник тайёрлаш . Шахсий гигиена қоидалари .....	22
3.9. Бозорнинг санитария ҳолати ва савдо қилинаётган озиқ - овқат маҳсулотларининг сифатига жавобгарлиги .....	22



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
САНИТАРИЯ МЕЪЁРЛАРИ, ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ  
(СанҚМ)



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси

Санаёт санитария ва ҳаво санитария вазири

Санаёт ва ҳаво санитария вазири ўринбосари

Санаёт ва ҳаво санитария вазири ўринбосари

Б.И.Ниёзматов

« 22 » 08 2000 й.

**ДЕХҚОН БОЗОРЛАРИГА ОИД  
САНИТАРИЯ ҚОИДА - ТАРТИБЛАРИ  
ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАР**

СанҚМ № 0098 - 00

Расмий нашр

Тошкент - 2000 й.

### **3.8. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш профилактик текшириш ва гигиеник тайёрлаш. Шахсий гигиена қоидалари.**

3.8.1. Озиқ - овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ барча ходимлар ишга кириш вақтида ва ишлаш давомида тегишли равишда белгиланган тиббий кўриқдан ўтишлари ва иш жойларида махсус намунага эга бўлган шахсий тиббий дафтарчаларига эга бўлишлари шарт. Эпидемиологик ҳолатни назарда тутиган ҳолда жойлардаги ДСЭНМ ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг кўрсатмасига биноан ходимлар қўшимча тиббий кўриқдан ўтадилар.

3.8.2. Бозор ходимлари 2 йилда 1 мартада махсус дастур бўйича гигиеник тайёрликдан ўтишлари шарт ва жойлардаги ДСЭНМ ташкилотларига заҳат топширишлари даркор, бу туғрида маълумотлар уларнинг шахсий тиббий дафтарчаларига ёзиб қўйилади.

3.8.3. Тиббий кўриқ ва гигиеник тайёргарликдан ўтмаган ва маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган шахслар ишга қабул қилинмайдилар. Тиббий кўриқ ва гигиеник курсовкалардан ўтишдан бош тортган ходимлар бажариб турган вазифаларидан бўшатиладилар.

3.8.4. Озиқ - овқат маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, сотиш, жўнатиш билан боғлиқ бўлган савдо расталарида ишловчилар, барча бозор ходимлари шахсий гигиена қоида - тартибларига қатъий риоя этишлари шарт.

### **3.9. Бозорнинг санитария ҳолати ва савдо қилинаётган озиқ - овқат маҳсулотларининг сифатига жавобгарлик.**

3.9.1. Бозор маъмурияги, савдо - сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари, сотувчилар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонуналарига амал қилган ҳолда аҳолини фақат сифатли ва хавфсиз

## **1. ТАДБИҚ ЭТИШ СОҲАСИ**

Дехқон бозорлари учун мўлжалланган мазкур маъёрий ҳужжат айтиш озиқ - овқат маҳсулотларини сотувчи ташкилотнинг ҳовли сатҳига, унинг хона - бўлимлари қурилишига ва жиҳозланишига, озиқ - овқат маҳсулотларини ташиш, қабул қилиш, сақлаш ва сотишга санитария қоида - талаблари ҳамда мазкур ҳужжатга риоя қилишга масъул бўлган шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди. СанҚМ талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча давлат, жамоа, қўшма корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Мазкур СанҚМ, мулкчилик шаклидан қатъий назар, янги қўрилаётган фаолият кўрсатаётган, ва қайта қурилаётган барча дехқон бозорларига таалуклидир.

Расмий нашр

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачининг рухсатисиз тўла ҳажмда ёки қисман қайта ишлаш, кўпайтириш ва тарқатиш қатъий тақиқланади.

– тирик мол ва паррандани сотиш бозор билан боғлиқ бўлмаган маҳсус майдончаларда руҳсат этилади. Бу майдончалар мунтазам равишда тозаланиб туриши, ёз кунларида бир кунда 2 маротаба сув сепилиб, тартибга солиб турилиши, йиғилган ахлат ўз вақтида чиқариб турилиши керак; отларни бойлаш учун жойлар ажратилиши, гўнг ва ахлат учун идишлар бўлиши лозим;

– тирик мол фақат ветеринария врачлари кўригидан ўтказилгандан сўнг сотишга руҳсат этилади;

– паррандани сотиш учун мўлжалланган жойлар санитария - эпидемиология ёки ветеринария назорати ходимлари томонидан белгиланади.

3.6.24. Турғун савдо шахобчаси бўлмаган жисмоний шахсларга, болалар озиқ - овқат маҳсулотлари, ун, шаккар, кремли қандолат маҳсулотлари гўшт, сут, ўсимлик, ёғи, чой, сариёғ маҳсулотларини очиқ турдаги бозор расталарида саклаб сотишга руҳсат этилмайди (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 378 - сонли қарорига асосан);

3.6.25.10 дан ошиқ йирик бозорлари бўлган шаҳарларнинг иккита бозоридасида шартли яроқли маҳсулотларни зарарсизлантиришни кафолатловчи қайнағиш, музлатиш ёки тузлаш жараёнларини уюштирадиган маҳсус жойқурилмалар бўлиши лозим; 5-10 бозорлари бор шаҳарларла эса марказий базорларнинг бирида шундай қурилма ташкил этилади.

**3.7. Маҳсулот хомашёлари ва озиқ - овқат маҳсулотларини жўнатишга (ташишга) санитария талаблари.**

3.7.1. Озиқ - овқат маҳсулотларини ташиш учун ташиладиган маҳсулотга мос тамғаланган маҳсус автотранспорт воситалари ажратилиши керак. Айни воситалар учун жойлардаги Давлат санитария - эпидемиология хизмати томонидан тегишли равишда тўндирилган санитария паспортлари берилиши лозим.

маҳсулотларини аҳолига етказишда асосий савдо - сотиқ жойитина бўлиб қолмай, балки шахсий хўжаликларда етказилган маҳсулотларни ва тижора тармоқлари маҳсулотларини ҳам қулай шароитда сотишда муҳим роль ўйнайди.

3.1.2. Бозорларни лойиҳалаш, қуриш, қайта кўриш ҳамда капитал таъмирлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария - эпидемиология назорат марказлари (бундан сўнг -ДСЭНМ) билан тегишли равишда келишилган лойиҳалар асосида амалга оширилади ва бунда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, корхоналарини қуриш, қайта қуришга тегишли қурилиш меъерлари, санитария қоидалари ва талаблари назарда тутилади.

3.1.3. Бозор ҳудудидаги расмий савдо, умумий овқатланиш корхоналарининг ҳамда юрилик ва жисмоний шахслар томонидан савдога қўйилган маҳсулот турлари ва уларни сотиш шароитлари Давлат санитария - эпидемиология хизматининг жойлардаги ташкилотлари билан келишилган бўлиши даркор.

3.1.4. Бозорлар ҳудудида озиқ - овқат сифатига таъсир қилувчи, ифлосланишига сабаб бўлувчи иншоотлар, кимёвий моддаларни сақлаш омборлари, дўконлари ва шу каби устахоналарни қуриш руҳсат этилмайди.

**3.2. Бозорларнинг ҳовли саҳнига санитария талаблари.**

3.2.1. Бозорнинг қурилиши ва жиҳозланиши.

3.2.1.1. Бозорни қуриш учун ажратилган жойни танлаш, янги қуриладиган бозорнинг лойиҳаси, ишлаб турган бозорлар, бозор фаолиятига боғлиқ қурилмаларни қайта қуриш ва бошқ. ДСЭНМ келишилган ҳолда амалга оширилади.

3.2.1.2. Бозорларда алоҳида объектларни (усту ёшиқ столлар, павильонлар, палаткалар, омборхоналар ва бошқ.) қуриш фақат намунали лойиҳа-

– бозорга келтирилган барча сўт маҳсулотлари ветэкспертиза томонидан лаборатория таҳлилидан ўтказилиши, сотувчиларга бу ҳақда маълумотнома берилиши лозим; сохталаштиришни олдини олиш учун сўт маҳсулотлари савдо вақтида ҳам текширилиши лозим;

– роз ва ўрдан тухумларини сотиш ман этилади.

3.6.21. Сабзавотлар, ҳўл мевалар, қўзқоринлар ва полиз маҳсулотларини сотиш:

– мазкур маҳсулотлар столлардан, қошлардан, автомашиналардан, ёғоч япчиқлардан сотилиши мумкин (ерга тегмаган ҳолда);

– бир стол устида сабзавотлар, мевалар, тузланган маҳсулотларни биргаликда сотиш руҳсат этилмайди;

– полиз маҳсулотлари учун маҳсус жойлар ва панжаралар ажратилиши лозим;

– бузилган, чириган, урилган сабзавотлар ва қўкотларни сотиш қатъий ман этилади;

– қўзқоринларни сотиш истеъмолга руҳсат этилган қўзқоринларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича маҳсус санитария қондаларига асосан олиб борилади; уй шароитида консерваланган қўзқоринларни сотиш ман этилади;

– ветеринария лабораториясида барча маҳсулотларда нитрат ионларининг миқдори аниқланади ва бу ҳақда сотувчиларга маълумотнома берилади. Агар нитратлар миқдори ошиқ бўлса, маҳсус комиссия тузилиб, маҳсулотни сотиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида ҳулоса чиқарилади (маъмурият, ички ишлар ходимлари, ветеринария врачлари томонидан);

3.2.1.6. Савдо - сотиқ жойида сабзавотлар, ҳўл мевалар ва полиз маҳсулотларини сотиш учун маҳсус майдончалар бўлиши лозим.

3.2.2. Бозорни ободонлаштириш ва ҳовли сатҳини тоза тутиш.

3.2.2.1. Бозорда транспорт воситалари учун қулай йўллар, пиёдалар учун йўлаклар, иккитадан кам бўлмаган кириш - чиқиш жойлари (хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг, озиқ - овқат ва ҳўжалик юкларининг қарама - қарши келиб қолишларини олдини олиш мақсадида) бўлишини назарда тутмоқ даркор. Йўллар оралиғи 4 м дан, қаторлар аро ўтиш жойлари 2 м дан, асосий қарши йўлининг эни 5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Бозорда автомашиналарда савдо - сотиқ қилиш учун қулай, кириш - чиқиш жойларига эга бўлган маҳсус майдончалар бўлишини эътиборга олиш лозим. Савдо - сотиқ давомида сотиш жойлари орқали автотранспортларнинг ҳаракат этиши ман этилади.

3.2.2.2. Бозор майдони, жумладан транспорт юрадиган йўллар, тротуарлар, юк туширадиган майдончалар асфальтлаштирилган ёки сувалган бўлиши ва жала канализациясига ёмғир ва эриган сувларни қулай оқиб тушиши учун бироз қия бўлиши лозим.

3.2.2.3. Ахлатларни йиғиш учун асфальтлаштирилган ёки бетонлаштирилган майдончаларда контейнерлар ўрнатилиши лозим; майдончаларнинг сатҳи контейнерлар тубидан камида 1 м ташқарига чиқиб туриши ва савдо - сотиқ қорхоналари ва озиқ - овқат омборларидан 25 м дан кам бўлмаган масофада бўлишлари лозим; 200 м<sup>2</sup> бозор майдонида камида ҳажми 10 м<sup>3</sup> бўлган 1 контейнер жойлаштирилиши керак.

Савдо прилавкалари бўйлаб ҳажми 10-20 дм<sup>3</sup> бўлган ва бир - биридан камида 20 м да жойлаштирилган ахлат идишлари (урналар) ўрнатилиши лозим; 50 м<sup>2</sup> бозор майдонига 1 урна тўғри келмоғи керак. Озиқ - овқат

3.6.15.Маҳсулотларни қабул қилиш тегислиги ҳужжатларни, ўраш сифати ва ҳолатини ҳамда қай даражада тамғаланганлигини текширишдан бошланади.

3.6.16.Барча хомашёлар ва маҳсулотлар уларнинг инсон саломатлиги учун хавфсизлиги ва сифатини тасдиқловчи ҳамда маҳсулотни тайёрлаган корхона томонидан берилган ҳужжатга эга бўлиши лозим.

3.6.17.Хайвонат хомашёси, тухум, меланж, балиқ, асал ва асаларичилик маҳсулотларига Давлат ветеринария назорати тапшиқотлари томонидан берилган ветеринария сертификатлари берилиши шарт.

3.6.18.Бозорларда уйда тайёрланган гўшт, балиқ, сабзавот - мева консервалара ва бошқа тез бузиладиган озиқ - овқат маҳсулотлари сотишга руҳсат этилмайди.

3.6.19.Гўшт ва балиқ маҳсулотларини сотиш:

– гўшт ва гўшт маҳсулотларини сотиш учун махсус павильонлар қурилиши ёки стационар прилавкалар ажратилиши лозим. Прилавкалар сатҳи сув ўтказмайдиган, осон тозаланадиган материаллар билан қопланган бўлиши керак (зангламайдиган пўлат, цинкланган темир, мрамор);

– гўштни қоқиш учун махсус ёғоч тўнкалар бўлиши, уларнинг сатҳи пичоқ билан қиришиб туриши, иссиқ сув билан ювилиши ва туз билан сенилиши лозим;

– савдо - сотикдан олдин тўнкалар ювилиши керак;

– гўшт бўлаклари зангламайдиган темир илақларга илиб қўйилиши керак;

– гўшт павильонлари ва дўконлари марказий инженер тармоқларига уланиши, иссиқ сув, совутгичлар билан таъминланган, қўл ювиш учун

3.2.2.7.Бозорга қатновчилар ва ёрдамчи ходимлар учун бозор майдонида қўлларни ювишга мўлжалланган қўловгичлар ёки фонтанчиклар ўрнатилиши даркор.

**3.3. Сув билан таъминланишга, канализацияга, иситилишга, вентиляцияга (ҳавоалмашишига) ва ёритилишга санитария талаблари.**

3.3.1.Бозорларни сув билан таъминлаш ва канализациялаштириш ишлаган инженер тармоқларига улаш ёки махсус қурилмалар қуриш билан амалга оширилади. Бунда жорийдаги махсус мёер ҳужжатларининг (қурилиш мёерлари ва қоидалари - ҚМҚ) талабларига риоя этилади. Агар бозорда инженер тармоқлари қўрилган бўлмаса бозор қудуқлар ёки артезиан қудуқлари воситасида сув билан таъминланиши лозим.

3.3.2.Хужалик - ичимлик мақсадига мўлжалланган сувнинг сифати ЎзРСТ 950: 2000 "Ичимлик суви" ва ЎзРСТ 951: 2000 "Марказлаштирилган хўжалик - ичимлик суви билан таъминлаш манбалари" талабларига жавоб бериши шарт.

3.3.3.Сув истеъмол этиш шароитлари ва ифлос сувларни канализация тармоқларига тушириш ДСЭНМ билан келишилган ҳолда уюштирилади.

3.3.4.Хоналар ичидаги сув таъминлаш тармоқлари жорийдаги тегисли мёер ҳужжатлар талабига жавоб бермоғи лозим. Бозорлар сув билан узлуксиз ва етарли миқдорда таъминланиши шарт.

3.3.5.Бозорларда доимо фаолият кўрсатадиган бўлимлар (бинолар) шаҳар иситиш тармоқларига уланган бўлиши ва тегисли ҚМҚ ҳужжатлари асосида ҳаво алмашиш ва иситиш жиҳозлари билан таъминланишлари лозим.

3.3.6.Бозорнинг барча корхоналари ва хоналари тегисли ҚМҚ ҳужжатлари асосида ёритилган бўлишлари керак.

3.6.1. Бозорларда озиқ - овқат маҳсулотларини сотиш қуйидагича уюштирилиши лозим:

- стационар дўконлардан, киосклардан, палагкатардан ва бошқа савдо хоналаридан;
- соябонли қатор столлардан, автомашиналардан, лотоклардан, аравалардан ва бошқ;
- ерда савдо уюштириш ман этилади.

3.6.2. Столлардан ёки олиб юриб сотиладиган барча маҳсулотлар уларнинг ифлосланмаеликлари учун тоза доқа ёки сочиқлар билан усти ёпилган бўлиши шарт. Столлар ҳар куни савдо - сотиқдан сўнг иссиқ сув, совун, (сода) бидан ювилиши, савдодан олдин эса чангдан тозаланиши лозим.

3.6.3. Тўғридан - тўғри истеъмолга сотиладиган маҳсулотларни (пирожноелар, сут ва қандолат маҳсулотлари ва бошқ.) сотиш махсус анжомлар (куракчалар, вилкалар ва шу кабилар) воситасида олиб борилиши даркор. Сотилмаган маҳсулотларга ҳаридор қўл тегизиши мумкин эмас (гўшт, нон ва сут маҳсулотлари).

3.6.4. Маҳсулотларни мазасини татиб кўриш (сарийғ, қаймоқ, асал ва бошқ.) махсус ёғоч куракчалар воситасида бўлиши лозим.

3.6.5. Озиқ - овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотиш жорийдаги меъёр ва техник ҳужжатларга амал қилган ҳолда, маҳсулотнинг турига қараб тегишли температура, намлик ва ёриқлик режимида уюштирилиши лозим.

3.6.6. Совутгич асбоб - усқуналари бўлмаган савдо - сотиқ корхоналарида тез ва осон бузиладиган, жуда тез ўзгарадиган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва сотиш таъқиқланади.

қилинган ювиш ва зарарсизлантирувчи воситалари билан ювиб зарарсизлантирилиши мумкин.

3.4.5. Хоналарни ички пардозлаш учун мўлжалланган қурилиш ва пардозлаш материаллари Давлат санитария - эпидемиология назорати ташкилотлари томонидан айна мақсад учун рухсат этилган бўлиши керак. Поллар сув ўтказмайдиган, текис, ёриқ жойлари бўлмаган ва шикастланманган, тозалаш ва ювиш учун қулай бўлиши даркор.

3.4.6. Хоналарда лозим бўлган санитария ҳолатини сақлаш учун ҳар йили пардозлаш - таъмирлаш ва капитал - таъмирлаш ишларини уюштириш талаб этилади.

3.4.7. Повильонларнинг хоналари тоза бўлиши, ҳўл услуб воситасида ҳар куни яхшилаб тозаланиб - йиғиштирилиши, раковина ва унитазлар ювилиб, умумий йиғиштириш - тозалаш ишлари уюштирилиши лозим.

3.4.8. Бир ойда бир маротаба бозорда санитария куни эълон этилиб, лозим бўлса, умумий йиғиштириш - тозалаш талбирларини уюштириш, хоналарни дезинфекциялаш ва дератизациялаш керак. Санитария кунларини ўтказиш жадвали жойлардаги Давлат санитария - эпидемиология назорати ташкилотлари билан келишилган ҳолда тузилади.

3.4.9. Бозорларда сотиладиган маҳсулотларни мунтазам равишда назорат этиш учун махсус кўрсатмалар асосида қурилган ветсанитария экспертиза лабораториялари фаолият кўрсатиши лозим.

3.4.10. Бозор хоналаридан яшаш ва тунаш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади. Озиқ - овқат маҳсулотларини қабул этиш, сақлаш, сотишга тайёрлаш билан боғлиқ хоналарга бегона шахсларнинг кириши фақат маъмуриятнинг рухсати билан ёки албатта санитария либосларини кийган тақдирда рухсат этилади. Савдо - сотиқ бўлмаган вақтларда бозордан бошқа мақсадда фойдаланиши ман этилади.

### 3.5. Асбоб - ускуналарга ва жихозларга санитария талаблари.

3.5.1. Бозорларда сотувчиларни таъминлаш учун махсус тарозихона оўлиши ва унинг таркибида куйидаги хоналар (булимлар) бўлиши зарур:

- фойдаланилган тош - тарози, махсус санитария кийимлари, поднос ва бошқа ўлчов идишларини қабул қилиш, вақтинча сақлаш хонаси;
- тош-тарози ва тарози палла идишларини тозалаш, ювиш, зарарсизлантириш хонаси;
- тозаланган тош-тарози ва махсус санитария кийимларини сақлаш ва тарқатиш хонаси.
- касса тушурумлари ва паспортларни сақлаш хонаси ёки тарозихона мудири хонаси.
- Савдо ўринлари сони 200 дан ошмаган бозорлар учун бу хоналар сони 2та бўлиши мумкин: 1-хона тош - тарозини қабул қилиш ва ювиш хонаси 2-хона тош-тарозини сақлаш ва тарқатиш хонаси.

Бу хоналар куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- тош - тарозини ювиш хонаси водопровод, канализация, иссик сув ва хонани иситиш тармоғига эга бўлиши, сунъий ёритиш 200 лк кам бўлмаслиги;
- тош - тарозини, махсус кийимларни сақлаш учун жихозланиши;
- зарарсизлантириш ва ювиш воситалари билан таъминланиши, тегишли захирага эга бўлиши;
- тош - тарозиларни рўйхатга олиш ва зарарсизлантиришни қайд қилиш дафтарига эга бўлиши;
- тош - тарози маҳсулот турига қараб тарқатилиши, тамғаланиши зарур;

- фойдаланилган ва зарарсизлантирилмаган тош - тарозилар, махсус кийим ва идишлардан қайта фойдаланиш таъқиқланади.

3.5.2. Бозорларда температура режимини назорат этиш учун лозим бўлган совутгичлар етарли миқдорда бўлиши даркор.

3.5.3. Асбоб - ускуналарни жой - жойига қўйишда уларга бемалол яқин келиш, хоналарни тартибга келтириш ва ювиш имкониятини назарда тутиш лозим.

3.5.4. Панжалар, стеллажлар ва ускуна остига ўрнатиладиган мосламалар (поддонлар)нинг юзаси силлиқ, осон ювилиши ва дезинфекцияланиши даркор, уларнинг пол сатҳидан баландлиги 15 см дан кам бўлмаслиги лозим.

3.5.5. Ахлатларни йиғиш учун савдо ва омбор хоналарида қоққоқли, педали оёқ билан кўтариладиган бочкачалар ёки қоққоқли пақирлар бўлиши даркор; улар 2/3 хажмда тўлгандан сўнг тозаланиши ва ишдан сўнг 1-2% ли кальцийли соданинг иссик эритмасида (45-50<sup>0</sup>С) ёки бошқа ювиш учун мўлжалланган эритмаларда ювилиши шарт.

3.5.6. Савдо ва умумий овқатланиш қорхоналарини, маъмурий - хўжалик хоналарини тозалаш ва тартибга келтириш учун қўлланиладиган анжомлар алоҳида сақланиши ва тамғаланиши талаб этилади. Анжомларни алоҳида - алоҳида ёпиладиган махсус шкафларда ёки тоқчаларда сақлаш керак. Совутгичларни ювиш учун ишлатиладиган пақирлар ва бошқа анжомлар ҳам тамғаланган бўлиши лозим.

3.5.7. Хожатхоналарни тозалаш учун мўлжалланган анжомлар белгиловчи бўёқлар билан бўялган бўлиши ва махсус жойларда сақланиши керак.

**3.6. Озиқ - овқат маҳсулотларини сақлашга ва ҳарид этишга (сотишга) санитария талаблари.**

3.3.7.Маъмурий омборхоналарда шомоллатиш учун махсус мосламалар ўрнатилиши лозим.

#### **3.4. Хоналарнинг қурилиши ва саронжом-тартибли бўлишига санитария талаблари.**

3.4.1.Тез ва осон бузиладиган озиқ - овқат маҳсулотларини сақлаш, харид этиш ва савдоси билан боғлиқ бўлган корхоналар махсус совутгич ёки совутгичли омборхоналар билан таъминланган бўлишлари ва хомашё ҳамда тайёр маҳсулотларнинг сақланишида жорий санитария қоида ва меъёрларига риоя қилиш зарур. Тез бузиладиган маҳсулотларнинг захира миқдори омборлаштириш меъёрларига, совутгич ускуналар билан таъминланганлик даражасига ва уларнинг хажмига мос бўлиши керак.

Бозорлар стационар ёки бошқа жойга кўчирилиши мумкин бўлган палаткалар билан етарли миқдорда таъминланган бўлиши керак; палаткаларнинг баландлиги ер сатҳидан 1 м дан кам бўлмаслиги, ўриндиклар, тарозилар, тарози топшлари ва бошқа савдо - сотиқ учун керакли анжомлар (пичоқлар, вилкалар, қисқичлар, болта ва бошқ) билан таъминланган бўлиши лозим. Сотувчилар қўл ювиш учун совун, сочиқ ва ичсеткалар билан таъминланган бўлишлари шарт.

3.4.2.Бозорда тез бузилувчи маҳсулотларни сотиш учун мўлжалланган махсус ствционар павильонлар қурилган бўлиши даркор.

3.4.3.Маҳсулотларни сотиш учун мўлжалланган дўкон, палатка, сарой павильон ва бозор майдонларида фақат ДСЭНМ билан келтирилган турдаги озиқ - овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотиш рухсат қилинади.

3.4.4.Бозор таркибидagi барча хизмат, савдо - сотиқ, умумий овқатланиш корхоналари ва уларнинг омборхоналари жорийдаги ҚМҚ ва Сан ҚМлар асосида жихозланиши, тоза ушлаб турилиши, ДСЭНМ томонидан рухсат

3.6.7.Маҳсулот хомашёси ёки маҳсулотларни сақлашда маҳсулотларнинг бир - бирига ўхшашлиги (бир гуруҳга киришлиги)ни назарда тутиш керак.

3.6.8.Сотиш учун фақат сифатли, махсус сертификатлари бўлган ёки Давлат санитария - эпидемиология ва ветеринария хизмати ташкилотлари билан келишилган тегишли меъёр ва техник хужжатлар бўйича тайёрланган маҳсулотлар рухсат этилади.

3.6.9.Сотиладиган маҳсулотлар истемолга яроқлиқ муҳлатга, ишлаб чиқарувчи тўғрисида ва бошқа этикеткалаштириш талабларига жавоб берадиган аниқ ёзма маълумотларга эга бўлиши лозим.

3.6.10.Муҳлати ўтган озиқ - овқат маҳсулотлари сотилишга рухсат этилмайди.

3.6.11.Музлагилган маҳсулотлар фақат паст даражада совутувчи мослама - ускуналар бўлган тақдирда сотилиши мумкин. Совутилган йирик балик зангламайдиган илгакларга осиб қўйилиши, майда балик эса муз солинган бочка, яшчик ёки корзиналарда сақланиши лозим.

3.6.12.Майонез маҳсулотлари белгиланган сақлаш муддатларига риоя этилган ҳолда қоронғи хоналарда, минус 3 дан плюс 18<sup>0</sup>С гача бўлган ҳароратда ва 75% дан ошмаган ҳаво намлиги шароитида сақланади.

3.6.13.Алкоголсиз ичимликлар қуруқ, шомоллатиладиган ва қоронғи хоналарда ҳаво намлиги 75% дан ошмаган шароитда сақланиши даркор, консервалар эса плюс 10<sup>0</sup>С дан юқори бўлмаган шароитда сақланади.

3.6.14.Идиш ва ўрамалар пишпик, тоза ва қуруқ, бегона ҳидсиз бўлишлари ва Давлат санитария - эпидемиология назорати томонидан озиқ - овқат маҳсулотларини ўрашга (жойлаштиришга) рухсат этилган материаллардан тайёрланиши шарт.



чиқиндиларини йиғиш учун қопқоқли махсус идишларнинг бўлиши талабга жавоб беради.

Йиғилган ахлат бозорга тегишли транспорт воситалари ёрдамида махсус жойларга олиб бориб тўкилади. Савдо - сотиқ вақтида ахлатларни чиқариш мумкин эмас. Ахлатларни ташиш ва ахлатхоналарга олиб бориб тўкиш юзасидан жойлардаги шаҳар - район коммунал хўжаликлари билан шартномалар тузиш мумкин.

3.2.2.4. Бозор майдони ва унинг атрофидаги 25 м жой (периметр буйича) тоза ҳолатда бўлмоғи, кун аро иш куни тамом бўлишида асосий ва иш куни давомида кундалиқ тозалаш - сувириш ишлари уюштирилиши даркор. Иссиқ кунларда ишдан олдин бозор майдонига сув сепиш, ёзнинг жазирама кунларида эса бир кунда камида 4 марта сув сепилиши даркор. Қиш кунларида бозор майдони (транспорт воситалари учун йўллар, савдо павильонлари атрофидаги майдончалар) мунтазам равишда қордан тозаланиб туриши лозим. Контейнерлар ва урналар тўлганда (2/3 ҳажм микдорда) ахлат ва озик - овқат чиқиндилари ўз вақтида тапқарига олиб чиқиб тапчилиши даркор.

3.2.2.5. Шахсий ва хизмат транспорт воситалари турадиган жойлар аҳоли яшайдиган жойлардан камида 25 м масофада бўлиши шарт.

3.2.2.6. Бозор майдонида бозор ходимлари ва бозорга келувчилар учун мўлжалланган, инженер тармоқлари (водопровод ва канализация) га уланган хожатхоналар қурилиши лозим. Бозорда водопровод ва канализация тармоқлари бўлмаган тақдирда қазини услуби билан қурилган хожатхона бўлиши лозим. Бундай хожатхоналарга махсус санитария талаблари белгиланган бўлади; улар маҳсулотлар сотиш жойларидан камида 25 м масофада жойлашган бўлиши лозим.

– кўпювгичлар, керакли асбоб - анжомларга (пичоқлар, болталар, тарозилар) эга бўлиши шарт;

– бозорга олиб келанадиган гўшт маҳсулотларига молнинг саломатлигига оид ветеринария хужжатлари илова қилиниши, улар ветеринария назоратидан ва лаборатория таҳлилидан ўтказилиши шарт;

– гель, туёқлар, тозаланмаган калла ва паррандалар алоҳида столларда сотилади;

– гўшт қиймасини бозорда сотиш таъқиқланади;

– от гўшти тегишли ёзма маълумот билан махсус столда сотилади;

– янги балиқ сув тўлдирилган аквариумларда сотилади;

– дудланган ва ичи тозаланмаган балиқни айрим шахслар томонидан сотилишига рухсат этилмайди.

3.6.20. Сут ва суг маҳсулотларини сотиш:

– сут ва суг маҳсулотлари махсус ёпиқ турдаги павильонларда ёки алоҳида столлар қаторида сотилиши лозим; столлар сатҳи цинкланган темир ёки мрамор доскалари билан қопланган бўлиши даркор;

– маҳсулотлар тоза (чинни, пиша, сирланган сопол, алюмин) идишда сақланиши ва харидорнинг фақат тоза идишига қуйилиши талаб этилади;

– қаймоқ, сузма каби маҳсулотлар учун ёғоч илишдан фойдаланиш мумкин;

– каридорларга сут идишларидан ва қопқоқларидан сутнинг мазосини билиш рухсат этилмайди;

– сут ўлчов кружкалари тоза бўлиши, суг маҳсулотлари учун мўлжалланган идишлар бошқа мақсадда ишлатилмасликлари даркор;

лар ёки санитария ташкилотлари билан келишилган шахсий лойиҳалар асосида бўлиши керак.

3.2.1.3.Истирохат (рекреация) жойлари ва турар жойлардан 50 м дан кам бўлмаган масофада янги бозорларни куриш ман этилади.

3.2.1.4.Бозорнинг ҳовли сатҳи сувларни оқиб кетиши учун қияроқ бўлиши, ахлатларни зарарсизлаштириш жойларидан камида 1.5 км, зарarli чиқиндиларни чиқарувчи саноат короҳоналаридан камида 500 м масофада бўлиши лозим.

3.2.1.5.Бозорнинг ҳовли сатҳи (территорияси) айрим қисмларга бўлинган ва савдо - сотикнинг турига мос бўлиши лозим:

– савдо - сотик қисми (палагкалар, дўконлар, навильонлар, сарой, бостирмалар); озиқ - овқат маҳсулотларини сотиш учун ёпиқ хоналар; қатор - қатор бўлиб жойланган столларда турли гуруҳ маҳсулотларни (сабзавотлар, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқ.) сотиш жойлари; автомашиналар ва бошқа транспорт воситаларидан сотиладиган маҳсулотлар учун жойлар;

– маданий - маиший ташкилотлар (тиббий хона, она ва бола уйи, меҳмонхона, саргарашхона, пойафзал ва кийим - бошни таъмирлаш хонаси ва бошқ.);

– маъмурий - омборхоналар (маъмурий хоналар, радиоузел, бозор ҳодимларини таъминлаш учун мўлжалланган умумий овқатланиш корхонаси, солиқ ва ички ишлар ҳодимлари учун хона, омборхоналар, деҳқонлар уйи, ветеринария - санитария лабораторияси учун хона;

– хўжалик қисми (жумладан, ахлат йиғиш учун мўлжалланган майдонча);

– транспорт воситаларини сақлаш қисми.

– санитария - эпидемиология назорати лабораторияси айрим ҳолларда сабзавот маҳсулотларидан намуна олиб, нитратлар миқдорини аниқлаб беради;

– сабзавотларни ювиш мақсадида бозорда махсус ювиш хоналари ажратилади; сувнинг сифати тегишли меъёр ҳужжатлар талабларига жавоб бериши лозим;

– қайта ишланган мевалар ва салатлар фақат ёғоч, шиша, эмайлланган идишларда сотилиши лозим.

3.6.22.Иссиқ (тайёр) овқатларни, ун, ёрма, қандолат ва бошқа маҳсулотларни сотиш:

– дон, ёрма ва ун маҳсулотлари (ун, қанд) тоза идишларда (қопларда ёки бошқа идишда) сақланиши, ёғоч тагликларда жойланиши, ҳаридорнинг тоза идишига солиб сотилиши даркор;

– қандолат ва ун маҳсулотлари, бутербродлар, пирожкилар лотокларда, столларда, корзиналарда усти тоза материал билан ёпилган ҳолда ва сотиш учун керак бўлган асбоб - анжомлар воситасида сотилиши лозим;

– кабоблар умумий овқатланиш корхоналарида ёки санитария - эпидемиология назоратининг руҳсатига эга бўлган алоҳида шахслар томонидан сотилиши даркор; бунда кабоб сотувчидан шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиши талаб этилади; нон ва пиёзга гўграш учун алоҳида тахтачалар бўлиши лозим; йилнинг 1.04 дан 1.10 гача қийма гўшдан тайёрланган кабобни сотиш руҳсат этилмайди;

– балиқдан ("Ҳе" ва бошқ.) тайёрланган салатлар санитария назоратининг руҳсати билан сотилади.

3.6.23.Тирик мол ва паррандани сотиш:

## 2. ҲАВОЛА ЭТИЛГАН РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

Мазкур СанҚМ қуйидаги расмий ҳужжатларга ҳавола этилган ҳолда тузилди.

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида" Қонуни. Тошкент, 29-август 1996 й.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида" Қонуни. Тошкент, 30-июл 1992 й.
- 2.3. Озиқ - овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни Тошкент, 30-август 1997 й.
- 2.4. Озуқа хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигига оид тиббий - биологик талаблар, санитария меъёрлари ва гигиеник нормативлари. СанҚМ №0060-96. Тошкент, 1996 й.
- 2.5. Озиқ - овқат қўшимчаларини тадбиқ этишда санитария қоидалари ва гигиеник нормативлари. СанҚМ №0070-97. Тошкент, 1997 й.
- 2.6. Тез ва осон бузилувчи озиқ - овқат маҳсулотлари ва масалликларини сақлашга оид санитария қоида - тартиблари ва гигиеник нормативлари. СанҚМ №0084-98. Тошкент, 1998 й.
- 2.7. Чет эллардан келтириладиган (импорт) озиқ - овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини кафолатловчи санитария кўрсатмалари ва гигиеник нормативлари. СанҚМ №0087-99. Тошкент, 1999 й.
- 2.8. Ўзбекистон Давлат стандарти "Ичимлик суви" №950: 2000.
- 2.9. Ўзбекистон Давлат стандарти "Марказлаштирилган хўжалик - ичимлик суви билан таъминлаш маъбалари" №951: 2000.

## 3. ОЗИҚ - ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРЛАРИГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

### 3.1. Умумий талаблар.

3.1.1. Бозор иктисодияти даврида озиқ - овқат маҳсулотлари бозори алоҳида аҳамият касб этади, чунки бозорлар фақат қишлоқ - хўжалик

3.7.2. Транспорт воситалари санитария талабларига жавоб бермаса ёки санитария паспортларига эга бўлмаса бундай транспортда маҳсулотларни ташиш рухсат этилмайди.

3.7.3. Тез ва осон бузиладиган маҳсулотни совутиш ёки изотермик шароитга эга бўлган транспорт воситаларида ташиш талаб этилади. Йилнинг иссиқ фаслларида тез ва осон бузиладиган маҳсулотларни муз бўлган тақдирда 3 соат, музсиз шароитда 1 соатдан ошмаган муддат давомида ташишга рухсат берилади. Совутиш имкониятига эга бўлган транспорт воситаларида тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш минус 5-10<sup>0</sup>С дан ошмаган ҳароратда амалга оширилиши даркор.

3.7.4. Озиқ - овқат хомашёси ва маҳсулотларни ташиш давомида ҳар бир маҳсулот учун белгиланган санитария меъёрлари ва қоидалари эътиборга олинishi шарт (хом ва истеъмолга тайёр маҳсулотларни ажратган шароитни назарда тутган ҳолда).

3.7.5. Тирик балиқ ҳарорати чекланадиган музни сақлаш учун мўлжалланган идишларга ёки сувни ҳаво билан тўйинтирадиган ускуналарга эга бўлган автомобил - цистерналарда ташилиши лозим. Бунда сув ҳарорати қипда плюс 1-2<sup>0</sup>С, ёзда плюс 10-14<sup>0</sup>С даражасида бўлиши керак.

3.7.6. Шофер - ҳайдовчидан маҳсус тоза кийимда бўлиш, шахсий тиббий дафтарчага эга бўлиш ва ташишга оид гигиена қоидаларига риоя этиш талаб қилинади.

3.7.7. Транспорт воситаси мунтазам равишда тозаланиши ва лозим бўлганда камида 10 кунда 1 мартаба дезинфекцияланиши шарт. Транспортнинг санитария ҳолатига ҳайдовчи жавобгардир. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситасидан фойдаланиш мумкин эмас.

1. Хужжатни тузган ташкилот:

ЎзРес ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари  
илмий-тадқиқот институти

(Академик, проф. Искандаров Т.И.,

проф.Бобохўжаев Н.К.),

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат  
маркази (Ким Э.Н.),

Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология на-  
зорат маркази (т.ф.н.Курбонов Б.Ж.).

2. Амалиётга биринчи марта киритилмокда.

озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланга мажбурдирлар. Мазкур тартиб - қондаларга риоя қилмаган ва сифатсиз маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи сотувчилар Қонун олдида жавоб берадилар ва тегишли жавобгарликка тартиладилар.

3.9.2.Бозорда санитария ҳолатини бекаму - кўст сақлаш, пашшаларга ва кемирувчиларга қарши курашини уюштириш маъмурият гарданига юкланади.

3.9.3.Сотувчи маҳсулотларда бузилиш аломатларини кўрса (сезса), сотишни тўхтатиб, бу ҳақда зудлик билан бозор маъмуриятини хабардор этиши ва маҳсулотни ишлагиш мумкин - мумкин эмаслиги тўғрисида аниқ қарорга келиши шарт.

3.9.4.Сотувчи қуйидагиларга риоя этиши лозим:

- корхона, ва дўкон, палатка атрофини озода тутиш;
  - озиқ - овқат маҳсулотларини сақлаш, сотиш қоида - тартибларини ва сақлаш муддатларини билиш;
  - маҳсулотларни ифдосланиб қолишдан сақлаш;
  - маҳсулотларни уларнинг сифатини кафолағловчи махсус хужжатлар асосида сотиш;
  - шахсий гигиена қоидаларига бўйинсиниш, тоза кийимда ишлаш, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриш. Сотувчилар 3 комплект махсус санитария кийим - бошлари билан таъминланган бўлишлари (тоза фартиқ, энглик ва бошқалар) лозим;
  - бозор ҳудудида жойлашган умумий овқатланиш объектларидан тайёр овқатларни келтириб, савдо растасида овқатланмаслиги даркор.
- 3.9.5.Озиқ - овқат комашёси ва маҳсулотларини тапиш, сақлаш, сотиш билан боғлиқ бўлган бозор ходимлари мазкур хужжат билан танишиб чиқишлари ва унда изҳор этилган тартиб - қоидаларга бекаму - кўст амал қилишлари шартдир.